

КОНВЕРСИЯ ВА СЕМАНТИК ДЕРИВАЦИЯ МУНОСАБАТИ

А.С. Раҳимов (СамДЧТИ доценти),
А. Турсунов (СамДЧТИ магистранти).

А.Я.Загоруйконинг ёзишича, конверсия термини биринчи бўлиб тилшуносликка олиб кирган Г.Суит уни синтактик жараён билан боғлиқ ҳолда тавсифлаган. Айни пайтда у мазкур ҳодисани сўз яшаш жараёни билан алоқадор эканини ҳам таъкидлайди. Ана шу фикр асосда конверсия ҳодисаси тилшуносликда муайян бир сўзни икки хил туркум вазифасида келувчи восита сифатида, маълум бир форманинг турли маъноларда қўлланиши тарзида ўрганилишига олиб келади. [1961:5-7].

Ушбу анъананинг акс-садосни мазкур ҳодисани лексик ва синтактик (ёки лисоний ва нутқий) деривация билан боғлиқ ҳолда талқин этилиши мисолида кўриш мумкин. Хусусан, бу ҳодисанинг нутқий синтактик деривация билан боғлиқ жиҳати “муайян жумланинг ички ўзгариши ва грамматик жиҳатдан қайта қурилиши” орқали кузатилади. Конверсиянинг нутқий деривация билан боғлиқ ана шундай талқини Л.Н.Мурзин ва Ғ.Х.Яхшибоевларнинг ишларида тадқиқотларида атрофлича ўрганилган. (Мурзин Л 1984: 27; Яхшибоев Ғ 2006: 70).

Конверсиянинг анъанавий сўз ясалишига муносабати эса: “муайян тил бирлигининг ўз формасини ўзгартирмай, бошқа бир туркумга хос вазифада қўлланиши” сифатида талқин этилади (1990:234). Жумладан, А.Ғуломовнинг таъкидланиш этишича, конверсия “синтактик шароит – синтактик ҳолатнинг кучи” ҳамда “маъно тараққиёти” каби икки омил билан боғлиқ ҳолда сўз ясалишига дахлдор бўлади. “Бу морфологик-синтактик йўл билан сўз яшашдир. Бунда сўзнинг туркуми ўзгаради, бу ўзгариш, одатда, контекстда – синтактик ҳолатнинг, гап ва сўз бирикмаларининг кучи билан юзага келади... Кўчишдаги моҳиятнинг сўз туркумини ўзгартириш характерида бўлиши бу ҳодисанинг *ташқи ясалиш* тусида эканини кўрсатади” [Ғуломов 1973:47].

А.И.Смирницкий конверсияни тил бирликларининг парадигматик ўзгариш асосида сўз ясалишига олиб келувчи ҳодиса сифатида тавсифлайди. Масалан, инглиз тилидаги *love-севги ва love-севмоқ* бир асосли, бироқ улар ўзи мансуб бўлган формалар системаси, яъни парадигмаси билан фарқланади. Чунки *love-севги* от ва *love-севмоқ* феъл туркумига мансуб бўлгани туфайли уларнинг ҳар бири ўзига хос сўз ўзгартувчи системага эга. Айнан ана шу омил уларни парадигматик ўзгариш асосида юзага келган икки хил сўз эканлигини белгилашга хизмат қилади [А.И.Смирницкий 1956:71].

Бироқ А.И.Смирницкий томонидан эътироф этилган “парадигматик ўзгариш” бошқа тилларда, хусусан, ўзбек тилида бир йўла содир бўлмайди. Шу боис, бу хусусият кўпроқ инглиз тилининг ички қонуниятларини ўзида акс эттиради. Чунки О.Д.Мешков томонидан қайд этилганидек: “Конверсия у ёки бу даражада барча тилларга хос бўлса ҳам, инглиз тилида у алоҳида аҳамиятга эга. Чунки мазкур тилнинг махсус морфологик кўрсаткичларга эга эмаслиги, сўз ясалишида конверсиянинг алоҳида мавқега эга бўлишига олиб келган” [А.И.Смирницкий 1976:248].

Л.А.Телегиннинг докторлик диссертациясида субстантивация, адъективация, адвербаллизация ва вербализация каби ҳодисалар “*аффиксиз транспозиция*” термини билан юритилади. Шунингдек, мазкур ишда транспозициянинг “*метаморфик*” типи ҳам қайд этилади. Унда қайд этилишича, метаморфик транспозиция турли синтактик қурулмаларнинг сўз мақомига хосланиши орқали ўз ифодасини топади. Бу муаллифнинг фикрига кўра, транспозиция инсоннинг номинатив фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлиб, унинг сўз ясалиши билан муносабати асос структуранинг семантик силжиши натижасида янги сўз ҳосил бўлиши орқали ўз аксини топади [Л.А.Телегин 1992: 21].

Конверсия ҳодисасининг тиллардаги фарқланиши унинг сўз ясалишига муносабатини белгилашда ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Хусусан, конверсия кенг ривожланган инглиз тилида бу ҳодиса аффиксиз сўз ясалиши, сўз ясалишининг конверсив усули сифатида талқин этилгани ҳолда, морфологик ясалиш етакчилик

қиладиган тилларда бу ҳодисанинг лингвистик мақомини белгилашда бирмунча бошқачароқ ёндашилади. Жумладан, А.Ғуломов конверсияни *морфологик-синтактик* йўл билан сўз яшаш деб этироф этгани ҳолда, “бундай ясалишнинг нисбатан кенг маънода қўлланган конверсия (“ўзгариш”, “ўтиш”, “айланиш”) термини билан аталиши шартли характерга эга” эканлигини таъкидлайди [А.Ғуломов 1973: 47].

А.Ҳожиёвнинг ишида бу ҳодиса сўз ясалишининг “семантик усули” сифатида қайд этилади. Унинг фикрига кўра, “*бошида* (ўрин-пайт келишиги формасидаги отнинг равишга кўчиши билан юзага келган сўз), *кечаси* (эғалик формасидаги отнинг равишга кўчишидан ҳосил бўлган сўз) *келишган (йигит)*, *арзимаган (нарса)*, сифатдош формасидаги феълнинг сифатга кўчиши билан юзага келган сўзлар “сўз формаларининг лексик маъно касб этиши” натижасида ҳосил бўлиши ва бу ҳосилалар сўз яслишининг “семантик (лексик-семантик) усул”ига мансубдир [А.Ҳожиёв деган фикр илгари сурилади 1989:29]

Мазкур ҳодисани бошқирд тили мисолида тадқиқ этган А.А.Байгирина конверсияни туркумлараро кўчиш натижасида лексик-грамматик янгиланишига олиб келувчи ҳодиса сифатида баҳолайди. Унинг ёзишича, туркологияда бу ҳодисага морфологик-синтактик усул сифатида баҳо бериш анъанаси мавжуд, аслида эса бу ҳодиса орқали *аффиксиз сўз ясалиши* ўз ифодасини топади. Чунки бу типдаги сўз ясалишда ясовчи ва ясалувчилар ўртасида ички семантик муносабат акс этади. Улар ўртасида лексик-грамматик тафовутни вужудга келтирувчи бош омил ҳам семантик силжишдир [Байгирина 2007: 8].

Рус тилшунослигида бу ҳодисанинг лингвистик мақоми семантик деривация билан боғлиқ ҳолда белгиланади. Хусусан, Н.М.Шанскийнинг қайд этишича, морфологик-синтактик деб қараладиган сўз ясалиш усули орқали, аслида, лексик-семантик ясалиш ўз аксини топади. Чунки бу усул орқали муайян бир сўз туркумининг бошқасига кўчиши (периход) асосда сўз ясалиши вужудга келади [Н.М.Шанский 1968:263].

Л.Н.Мурзин ва Н.Д.Голевларнинг изланишларида бу ҳодиса семантик деривациянинг бир тури экани қайд этилади. Семантик деривациянинг қамрови эса *метонимизация, метафоризация, семантик конверсия* (ёки *семантик силжиши*) каби ички ҳодисалар доирасида белгиланади [Л.Н.Мурзин, Н.Д.Голев 1984:47; 2010: www.bestdsser.com].

В.И.Кодухов томонидан ҳам конверсия сўз ясалишининг семантик усули доирасига киритилади ва бу ҳодиса «*семантик-грамматик*» характерда воқеланиши билан бошқа турдаги маъно ясалишларидан фарқланшини таъкидланади [В.И.Кодухов 1979:121].

Ана шу мулоҳазаларнинг ўзиёқ, конверсияни тил ва нутқ муносабати асосида намоён бўладиган семантик ҳодиса сифатида талқин этиш ҳамда у орқали инсон идроки беқиёс имкониятга эғалигидан далолат берувчи тил ижодкорлигининг ёрқин намуналари ҳақида сўз юритиш лозимлигидан далолат беради. Гарчи тадқиқотларда конверсия билан боғлиқ ҳодисалар турли нуқтаи назардан баҳоланган ва шунга монанд равишда ҳар хил таснифланган бўлса ҳам, бу мулоҳазалар мазкур ҳодисанинг таъсир доираси ва мазмун-моҳияти ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўришни тақозо этади.

Бизнинг назаримизда, конверсияни сўз ясалиши таркибида ўрганиб бўлмайди. Чунки сўз ясалишининг анъанавий талқинидаги формал-семантик кўрсаткичлар конверсияда кузатилмайди. Бинобарин, сўз ясалиши ўз номи билан сўз яшаш (лексик деривация)га олиб келувчи алоҳида лисоний ҳодиса бўлиб, унинг воқеланишини барча тилларда типик бўлган “асос + формант = ясама сўз” модели орқали қайд этиш мумкин. Ушбу моделнинг тиллараро типиклиги эса “+” ишораси орқали кўзга ташланади. Ўз навбатида, айнан ана шу ишора семантик-грамматик кўчиш эвазига содир бўладиган конверсияни тил тизимининг ички ҳодисаси ҳисобланадиган сўз ясалиши (ёки лексик деривация)дан фарқланшини кўрсатади. Шунинг учун ҳам Н.М.Шанский, В.И.Кодухов, Л.А.Телегин каби олимларнинг изланишларида конверсия «*семантик-грамматик*» характерда воқеланувчи ҳодиса сифатида талқин қилинади. Бироқ ушбу ишларда конверсия ҳодисасининг лингвистик тизимдаги ўрнини сўз ясалиши билан боғлаб ўрганилиши

изохталабдир. Чунки конверсиянинг ўзига хослиги унинг семантик-грамматик кўчиш эвазига содир бўлиши билангина чекланмайди, балки ушбу семантик-грамматик кўчишга сабаб бўлган лингвистик шароит, вазият ва мақсад кабилар ҳам ҳисобга олинади. Юқорида конверсияни воқеланишига олиб келувчи лингвистик шароит сифатида яқдиллик билан синтактик вазият қайд этилганини кўрган эдик. Масалага шу нуқтаи назарда қаралганда, конверсия ва сўз ясашига олиб келувчи лексик деривация ўртасидаги фарк: улардан бирининг семантик-грамматик кўчиш эвазига содир бўлиши, иккинчисининг эса “асос + формант = ясама сўз” модели орқали воқеланишини билангина чекланмаслигини янада аниқроқ илғаш мумкин. Конверсия ҳодисасининг синтактик вазият тақозосига кўра воқеланиши сўз сатҳида олиб қараладиган бўлса, ушбу вазият замирида тил-нутқ-тил ва тил-нутқ каби икки шартли схема акс этишини қайд этиш мумкин. Бунинг далили эса конверсив ҳосилаларнинг узуал ва оккозионал турлари орқали кузатилади. Ўз навбатида, ушбу схемалар конверсиянинг воқеланишидан кўзланадиган мақсадни тўғридан-тўғри сўз яшаш ёки ясама сўз мақомидаги бирликларни вужудга келтириш билан боғлаб бўлмаслигини кўрсатади. Ана шу жиҳатлар конверсия ҳодисасини синтактик вазият тақозосига кўра сўз маъносининг кўчишига олиб келувчи семантик деривацияни акс эттирувчи ҳодисалар қаторида ўрганиш ҳар томонлама ўзини оқлашидан далолат беради. Шундай йўл тугилганда синтактик вазият тақозосига кўра содир бўладиган конверсиянинг таъсир кўламини аниқлаш, таснифлаш ва бошқа семантик ҳодисалар билан қиёсий ўрганиш мумкин бўлади.

Адабиётлар:

1. Загоруйко А. Я. Конверсия–морфолого-синтаксический способ словообразования. АКД. –М.,1961.- С.5-7.
2. Мурзин Л.Н.Основы дериватологии. Пермь-1984.-С.27; Яхшибоев Ф.Х. Ҳозирги ўзбек тилида содда гап синтактик деривацияси.-Т., 2006.70-бет.
3. Лингвистический энциклопедический словарь. М. 1990. -С.234.
4. Ғуломов А. Сўз ясаши // Ўзбек тили грамматикаси. –Т., 1973. 46-47-бетлар.
5. Смирницкий А.И.Лексикология английского языка.- М. , 1956._С.71-72.
6. Мешков О.Д. Словообразование английского языка. - М. , 1976._С.248.
7. Телегин Л.Б. Безаффиксальная транспозиция и влияние на процесс деривации в современном английском языке. –Самарканд,1992. <http://www.dissercat.com/content/bezaffiksalnaya-transpozitsiya...#ixzz2HOIkcx3e>
8. Ҳожиёв А.Ўзбек тили сўз ясаши. –Т.,1989.29-бет.
9. Байгирина А.А.Словообразование по конверсии в башкирском языке. АКД. –Уфа, 2007.-С.8. www.bashedu.ru/autoreferat/aref.2007.
10. Шанский Н.М. Очерки по русскому словообразованию. –М., 1968.-С. 263.
11. Мурзин Л.Н.Основы дериватологии. Пермь-1984.-С.47; Голев Н.Д. Деривационная системность лексики. [www.bestdsser.com| wok| wok_21200.html](http://www.bestdsser.com/wok/wok_21200.html).
12. Кодухов В. И. Введение в языковедение. – М. ,1979. –С.121.